



Яхшигина изгирин, юрганда бахарнав, бетни ялайди, факат кулоқни жиз-жиз ўради, лекин бир жойда турганда этакдан кириб, баданни дилдиратади, ёқадан худди оқаетгандек куйилади - бўйнимни кисиб олганман, анчадан бери турганимдан елкам кўнишибкотиб, худди бир умр шундай бўйнимни кисиб яшаб келаётгандекман, хаёлимга минг хил умидсиз ўйлар келади, минг тўққиз юз саксон иккинчи йилнинг ноябри, бўлмаса, университетни нукул “аъло”га битирганман, ўн йилдан бери Тошкентдаман, лекин бор пулим чўнтагимда, боргунимча йўлқирага етади холос, мендан олти ёш кичкина Эшназар боя ўзининг “Жигули”сида Жонбойдан кайтди, мен йўлдан ўтган машинага саргаяман, бу ёғи буюк, кахратон киш, кўклам сира келмайдиган, кунлар энди илимайди.

Далаларда яккам-дуккам бирчигит колган, совхоз октябр ойи ўрталарида планни дўндириб бажарган-у, элу юрт хали хамон шу бажарикни тўлдиролмай жон-халак, бўл-ха-бўл хикилдоққа келган.

Офтоб - бетаъсир шiorга ўхшайди - чараклайди, тафти йўк, чор-атрофга эски увада сочилгандек - кир кор.

Машина хар замонда ўтиб қолади, бари тўла, бирон тазияли жойга бораётганини айтмаса, берухсат юриш йўк, йўлда хужжатини олиб кўядилар; боя автобус вангиллаб ёнбошлаганча тўхтамай ўтиб кетди, умид шундан эди, буни хам эгам кўп кўрди.

- Кўлинг толгандир, менга бер, - деб калин кийимда пиш-пиш ухлаётган ўғлимни аясининг кўлидан олдим.

Обрўни кўлдан бермай, хотинни гапга алахситаман:

- Манави йўл Исталин, Пўшқин Дўлбости, Ленинобод, Калелин, деган кишлокларимиздан, буниси Еттиуруг, Каканавич, Ботбот, Наврўзтепадан келади, бу ёқда Мўлтип, Кўйбешип, Варашилоп деган кишлокларимиз бор.

- Мўлтип - пгўнгиб деганими ё Молотовми - деб кизиксинади хотиним.

- Мўлтип - Молотов, Каканавич - Каганович, Варашилоп -Ворошилов... майда колхоз замонидан шу отлар келяпти, ўзлари урилиб, кимлиги одамларнинг эсида хам йўк, лекин оти эл огзида колган. Кўйбешип - Куйбишев... Кизик-да, мана “Саноат”, “Давлатли турмуш” деган кишлокларнинг оти хам шунака. Биттасининг оти “Емхашак”. Эй, зўр-эй, молбозорда “Мўлтипнинг моли”, “Кўйбешипнинг моли” деб туришади.

Масалан, Какановичнинг моли Масквашага тўгри келмайди, чунки Маскванинг хавоси паст Какановичнинг моли ерда чидамайди, иссиқлаб қолади. Зўр-эй, йўлда, ўзинг кўрдинг, Свинсовхоз деган жой бор, “Кайдан бўласиз” десанг “Свинсапхоздан”, дейишади, “Йўк, асли тугилган жойингизни айтинг”, десанг “Тугилган жойимиз хам шу Свинсапхозда, у ёғини билмасак”, дейишади. Кара-е, бошка ёққа бурсанг, нима маъно чиқади.

Изгиринда гапи-аверса одамнинг жағи хам огриб колар экан, акам гир этиб

“Перекрўска”га Тошкент йўлига ташлаб келарди, шу вактига келиб мошини бузилиб

берганини кара, ёш бола билан хаммага томоша бўлиб турибман, деб ичимга сикиламан. Бу орада ўтган-кетганлар билан саломлашиб хам тураман: Бирови узокдан бош иргайди, бирога икки кадам бораман, ёнимга келгани кўлимни ховучлайди бошкаси кўл олишади-ю, пичирлаб кўяди ё бўлмасам, худди таъна килаётгандек “Ха-а” дейди, бошка сўз котмайди, айбинг бордек довдирайсан. Отда, эшакда ўтаётганлар жилов ё нўхтани номига бир тортиб, ияк кокади - ё саломи, ё алиги; машинада кетаётганла– худди танимагандек хўмрайиб келади-ю, бирдан бурнини силкитади бу хам хисоб. Катта йўлнинг чоррахаси, чоррахасида гап кўп, кишлокка жуда кам келаман, тўй-маракага аралашиш йўк, тобуткаш бўлолмайман, келганимда фотихалик жойларнинг хаммасини бир килиб кириб чикаман, хамкишлокларим билан кўришиб сўрашадиган жой - шу чорраха, шу ерда туришимга караб, кандайлигимга хулоса чикаришади, боя Абдужалил дод-муомала килгандан кейин бир хотинимга бир шляпамга караб кўйди-да: “Сен хам энди кишлокдан узилдингда”, деб кетди.

- Шунча кишлокнинг барига бизнинг ~азира - марказ. Бозори бор-да. Бозор бор кишлок теварагидаги хамма кишлокни бирлаштиради, уларга ўктамлик килади, одамлари хам уддабурон бўлади. ~азиранинг ўзидан учта профессор, ўттиз нечта кандидат чиккан. Илмга бундай берилган кишлокни эшитмаганман. Битта Отабой деган жой бор. Лекин у Туркистонда.

- Шундай кишлогингизга алохида автобус кўйишса бўлмасмикан? - дейди хотиним маъюсланиб.

- Ха, кеп колар, - дейман, - чаккифуруш кўпайиб кетади дейишади-да. Шусиз хам Самарканд бозорида “чакки каерники?” десанг, хаммаси “~азираники!”, дейди. Сен бу гапларни кўй, кара, мелиса келяпти. Кандай пар тушган кишлокка! Бекорга алохида мелиса кўйишмаган!

Ростдан, Сталин томондан мелиса келаётган эди, бизга якинлашиб колган.

Хотиним тирсагимга туртди:

- Каранг... бир чол киши сўрашаяпти.

Бу ёкка карасам - Саидбово, ~азирадан чикиб, ~аровтепасига кайрилиш жойда тўхтаб, биз томонга жилмайиб, тез-тез бош иргаяпти. Товушини эшитмасам хам, калласини кимирлатишидан нима деяётганини биламан: “Э-э, эшонбово, яхшимисиз?

Кайтяпсизми?... Бир келган экансиз-да. Тошканлар яхшими? Э-э, келин шуми?...

Шундай-шундай кеп турунг-да...” Шунга яраша жавоб киламан: “Ўзингиз яхшимисиз?

Бизнинг синфдош Ўрин кандай? Неваралар... Ха, шу, кайтяпмиз энди...” Албатта, у хам эшитмайди -орамиз анча, бакириб сўрашмаймиз-ку кўчада.

- Бориб саломлашмайсизми, ёшлари улуг экан, - деди хотиним.

- Биз-да шунака, хаммаси бош билан, кимирласа - бас, - дедим.

Ростдан хам шунака, кўрмай колмасанг бўлди, ишкилиб.

Лекин Саидбово сўрашиб бўлгандан кейин йўлни биз томонга солди. Дўконга кирмокчи шекилли. Бари бир ёнимдан ўтади, икки кадам пешвоз чикмасам бўлмас, чоллар билан кўшкўллаб сўрашиш керак.

- Ма, болангни ушлаб тур, - дедим хотинга.

Шундай бўлади: аввал юришни ўйлайсиз, ўзингизнинг кай бир сониясида гавдангиз олдинга интилиб, хали оёгингиз кимирламаган хам бўлади; мана шундай - гавдам харакатга келиб, бу кўзгалиш оёкларимга ўтай деганда нак кулогим тагидан, “Каёкка?!” деган амирона товуш янграб, яна котиб колдим.

Карасам, боя Сталин томондан келаётган милиса йигит каватимда турибди. Менга эмас,

Саидбовога караб бакиряпти:

- Ўв бобой, тўхтаг! Кани, мен кимга айтяпман?!

Саидбово жойида такка тўхтади.

Яна шундай бўлади, кўз ўнгингизда ногахон, кутилмаганда, бир беъманилик кечади, каллангиз тўгри ишлаб туради-ю, лекин бу ходиса хакида ундан ҳам беъманирок ўйга борасиз. Мен ҳам туйкусдан шундай хаёлга борибман: бобойи тушмагур ~азирадан бирон нарсани ўмариб келяпти, деб ўйлабман. Худди хозир мелиса йигит югуриб боради-ю, шартта кув бобойнинг малла чакмони ёкасидан ушлайди. “Аблаҳ! Кўлга тушдинг-ку!” бир-икки силтаб, кўлини кайириб, одига солиб кетади. Дабдурустдан шундай туюлди менга!

Лекин мелиса йигит менинг ёнимдан кўзгалмай, яна бакирди:

- Боя нима дедим сизга, а? Боя?!

Унинг бакиригидан ўгилчам уйғониб кетди, каранг-эй, бир ёшдан сал ошган гўдак, йигламади, мелисага “Жинними бў?” дегандек бир каради-да аясининг бўйнидан махкам кучоклаб олди.

- Ўзбек тилида айтдим, яхшиликча кетинг, чувалашиб юрманг, дедим. Кулок борми, кулок?! Ё жун босганми? Кетинг, демадимми?

Саидбово худди кўринмас мошин-галтак ип билан жойига чандиб кўйилгандек, юришга ҳам, туришга ҳам ўхшамайдиган бир харакат килди-да, мелисага жовдираб каради.

-алати одам-эй! Боя ~азирада, кетинг, дедим-а! - Мелиса кўлини пахса килди. - Ё демадимми?!

Саидбово ниҳоят тилга кирди:

- Дедингиз, улим, дедингиз...

Чолнинг тилга киргани баттар мелисанинг хамиятини кўзгади:

- Деган бўлсам, кани кетганингиз?

Кетинг деганимга қачон бўлди? Мен Исталинга бориб келяпман. А, кани кетганингиз?

Халиям кўзга тикан бўлиб юрибсиз-ку!

Саидбовонинг бети пир-пир учди, менга нажот сўрагандек караб кўйди. Мен эса мелисанинг дагдагасидан шошиб, аралашишга ҳам, аралашмасликка ҳам хайрон, каловланиб турибман, буларникини жуфт демасанг бўлмаса... Саидбово бўйнини кисиб, хоксор гулдиради:

- Турсунхоннинг магазинига печка кептимикан, деб кирувдим, уям йўқ экан. Энди опкесанг, битта опкўй, дедим. Эскиси ниҳояти тутаяпти. Айтганингиздан кейин ўзим кетаётган эдим. Энди бу ёқда...

Мелисанинг баттар жахли чикди:

- Ўв бобой! Жонга тегдингиз лекин! Боя неварамга жилоб оламан дедингиз! Энди бу гап чикдимми?! Кариб, мянгишни еб кўйганмисиз?

- Энди, ўглим, тўгри, қаричилик, мя колмаган... Кайтаётган эдим, шу...

- Турибсиз-ку шу ерда?! Кани кетганингиз?! Э-э, яна нимага бу ёқка юряпсиз? Боядан бери караб келяпман, бу бобой кетадими, йўкми, деб... -Мелиса йигитнинг товуши яна баландлади, кейинги гапи энди атрофга ҳам тегишли эди. - Нима килай сизни, а, обориб тикиб кўяйми ё?

Бир хил одамлар ўхшаб бу ҳам бакирса кўзи олдидагини кўрмай қолади шекилли, Саидбовонинг пушибгина анча бери келиб колганини сезмади, пайкагандан кейин жон-пони чикиб кетди:

- Ия, яна келяптими бу бобой!? Ўв, кимга айтаяпман?! Соколим бор деб... Хе, ўша

печкангизниям!.. Ўв, тўхтанг, деяпман! Кулок борми? Обкетаман лекин, панжарадан термилтириб кўяман!

Саидбово яна тўхтади, яна жавдиради, мен ҳам галати бўлиб кетдим: нима килади невараси тенги бола билан манжашиб, кет дегандан кейин кетавермайдими, хозир буларнинг кутурган пайти бўлса...

- Улим, яна битта кечиринг... Илтимос, шундай бир...
- Илтимос-пилтимос йўк! Жўнанг!
- Бир минитга... шундай бир...
- Аччигимни чикарманг лекин...
- Улим, сиз ҳам бир мусулмон...
- Йўк, копирман! Шунча айтдим, соколи бор, дедим, энди - бас!
- Улим, бу дунёда!..
- Чайналманг! Бу дунёнгизни йигиштиринг! Нима деяпман сизга?!
- Кетаман, улим, кетаман, олдин шу...
- Олдин-полдин йўк! Всё! Турган жойингиздан кругом марш!

Саидбово ночор туриб колди. Энди мелисанинг гаплари шунчаки дўкка ўхшамай бораётган эди. Мен ҳам бир мужмал ахволдаман, мелисанинг гаплари Саидбоводан кўра, нимагалигини хали билмайман-у, ишкилиб, менга каратилаётгандек эди, лекин бобойнинг ҳам кайсарлини тушунолмай турибман.

- Тамом, чўкиртак соколингизга карамайман! Обкетаман! Бу ёғи принцип!
- Хай, улим, шу домилла билан битта кўришай! Кейин марш бўлса -марш-да! Тез кетаман.
- Эй, дунёи кўтир! Мана гап каёқда экан!
- Мумкин эмас! - Мелиса кулочини ёйиб, чолнинг йўлини тўсди. -Тўхтанг! Айтганимни килинг, деяпман!

Мен Саидбовога интилдим, у киши мелисанинг кулочи тагидан чаккон эгилиб ўтиб, кўлимни олди.

- Хэ, бизники шул-да, улим, - деди чол менга, “кўраяпсан-ку, болам, канака яшаяпмиз деган маънодаги хасратда, кейин сўрашди. Яхшимисиз болалар яхшими?

Кўзим чолда, бор диккатим мелисада: кўкариб, калткалт титрайди, уришганларни ажратиш бошка, кўришганларни айириш бир бошка экан, нима килишини билмайди, факат кўзининг пахтасини чикаради: “Бўлди бўлди, бас. Бобо, сизга айтаяпман. Бўлди, деяпман”, - дейди нукул.

Саидбовонинг кўлини кисимлаб узок сўрашдим, чолнинг кўллари кадок, сикиб сўрашганда тошдек бота–ди. Мен Ўринбойни, Суюнбой акани, биз билан - укаси иккови бир синфда сакказинчигача ўкиб, кейин уй килиб кетган кизининг болалари нечта бўлганигача суриштирдим.

Саидбово охири кўлини куч билан тортиб олиб, мелисага каради, сал енгил тортди.

- Мана улим, сўрашдим, - деди унга.
- Бўлди , сўрашган бўлсангиз, энди кетинг, турманг бу ерда, - деди мелиса йигит сал шаштидан тушиб.

Мелисанинг юмшагани солга ҳам таъсир килди, тушунтиришга киришди.

Ўзи кетаётган эдим. Тушунаман, хозир каттик. Шу айтганингиздан кейин Турсунхоннинг магазинига кирдим. Битта синик шкопни кокишяпти экан. Шу кейин кайтаётиб, бу домилла улимни кўриб колдим. Бу киши Тошкандай жойда ўкийди, эшонбовомизнинг уллари. Оталари билан яхши эдик, у киши, рахматли, одам айирмас эдилар. Домилла улимни кўрдим-у, у кишининг ўзлари кўзимга кўрингандай бўлди. Бир к...ишиб ўтай,

таваррик одамнинг боласи, дедим. Э-э, бизларга карз-да, улим Эрта-индин ўзимиз ҳам борсак, нега кўчада улим билан кўришмадингиз, деб сўрасалар, уятга коламанда... - Саидово ўксиниб, кўзларига ёш олди-да, кейин бирдан гапни бошка ёкка бурди. - Ке, мелисаулим, сениям бир кўлингни олиб кўяй!..

Мелиса бу гапни кутмаган эди, нокулай бўлди, юзини буриб, чолга кўлини берди. Чол унинг кўлини махкам ушлаб, худди молбозорда бор-барака килаётгандек ўктам-ўктам силтади:

- Яхшимисан? Тан совликми? Мундай сўрашда-е, улим, биз ҳам таваррик, етмиш бешга чикдим. Муслмон боласисан - сўраш, яхшимисиз, бово, дамликкина юрибсизми, де, шундай юринг, де. Етмиш бешга чикдим ман, улим, сизнинг ёшингизга етайлик, бундан ҳам ўтайлик, де Мен ҳам сени дуо килай! Барака топ, улим, деб айтай! Кўп ҳам шапкангга маст бўлаве...ма. Пахта, пахта, дейсан, мана, пахтанинг ичида каридик, келган жойимиз шу

Мелиса йигит сал-пал кизариниб, чолнинг гапларидан жиндай хижолатга тушди, лекин унинг гапини кесди:

- Бўлди, ота, бошни котирманг. Кўришдингиз, ишингиз битди, энди кетинг.

Саидово унга хотиржам каради, лекин алами ичида экан:

- Кетаман, кўришиш бизга карз эди, уздик. Кўнгилхотиржам. Энди обориб тикиб кўйсанг ҳам, майли, - деди.

- Бово, илтимос, конимга ташна килманг, - деди мелиса йигит энди зорланиб.

Саидовонинг лаблари титраб кетди, ўксик бир ўжарлик билан гапдан колмади:

- Камайсан-а! Кўришганга камайдиган закўн йўк, копкора кўл халклар бор-ку, ўшаларнинг сўдида ҳам йўк! Одамларни мунча кон какшатма. Бу учун ҳукумат сенга шимилдирик ҳам бермайди: Кайтангга ёмон бўлганинг қолади. Мана, бола ёшимиздан шу пахтанинг ичида, умрни шу пахта еди.

Кўкрагимга битта темир ҳам таккани йўк! Сен бўлса, ~азиранинг бозорини ёпиб, ҳаммага дўк урасан...

Мелиса йигит алам билан бир нарса демокчи эди, чол гап бермади, мелиса "бор-э!" дегандек, терс бурилди.

- Обориб тикиб кўяман эмиш! Обориб тиксанг, нима, мени гармиди? Ҳукуматнинг текин нонини еб ётавераман.

Мелиса шахт билан чолга каради:

- Менга каранг, бобой, кетасизми, йўкми? Етмиш бешга чикдим, энди менга ҳеч ким тегинолмайди, деяпсизми ё?

Саидово бу гапдан чўчигандек:

- Кетаман, улим, кетаман... - деб гулдиради, лекин кетиш олдидан, ё алами босилмаган, ё энди мелисанинг "обориб тикиб кўйиши"га кўл силтадим, узиб олди: - Хаммани онаси тугади, сени, улим, билмадим...

Бобой гапини тугатмай, йўлини ~аровтепасига бураверди.

Мелиса чичонглаб кетди:

- Ўв, бобой, тўхтанг! Тўхтанг, деяпман! Саидово ўша ёқдан туриб:

- Киптингга шапалоқдай нарсани ёпиштириб... - деди-ю, гапини тугатмай кетаверди.

Ўзи шусиз ҳам ичимда чолнинг гапларига беш кетиб турган эдим, кулиб юборибман.

Мелиса йигит шарт менга ўгирилди, мен атайлаб чолнинг оркасидан тикиламан, бунга карасам - тамом. Кўзимнинг кирида кузатяпман: алами олти, ҳозир менга ёпишади!

- Нега куласиз? Очиб ўтирибдимиз? - деди у.

- Шунга куляпман, - дедим.

Ўзи тилим ёмон, лекин нарирокда хотиним турибди, нима килай? Мелиса йигит унча тушунмади:

- Нима шунга? Маймун ўйнатяптими сизга? - деди.

- Анави бобой ўйнатди шекилли, - дедим.

У яна тушунмади, лекин майна килаётганим етиб борди.

- Кулдириб кўяман лекин! - деди.

- Мен ўзим хохласам куламан, - дедим.

- Бу ерда мен рухсат берсам куласиз, - деди мелиса.

- Саидбово нарирокка бориб, тўхтаб колди. Мен хотинимга караб кўйдим. Бошка жойда бўлса, очиги, шу сийка бош билан айтишиб ўтирмасдим, энди кеч, бир ёғи - алам килаётган эди баобрў бир редакцияда ишласам, ўз кишлогимда, хотиним, яна шунча одамнинг олдида бир ёш бола, елкасида шапалоқдай поғони бор учун менга ҳам дўк урса! Ха, айтмабман, чоррахада биздан ҳам бошкалар бор эди. Терим деб хаммаёк така-так бўлгани билан, йўлнинг у ёғидаги дўкон очик. Катта-катта кўзли деразасида ўч-тўртта бош кимирлаб турибди, берирокда Шафоат хола хамишагидек писта сотаяпти, унинг тепасида Хошим ака билан иккита ўсмир, бири Холмат аканинг, бири Эргаш аканинг боласи, огизаридан писта чўпок худди курак чувийдиган машинадан чиккандек отилади, кўзлари бошка ёкда-ю, лекин кулок динг - бу ердан кетар-кетмасимиздан ~азирани ундай депти, бундай бўпти деган маховат босиши тайин.

- Менга рухсат тепадан келади, жўра, - дедим.

Мелиса йигит бир одим чекиниб, мени бошдан оёк-кузатиб чикди, бошка гап тополмади шекилли:

- Нима килай шунга? - деди. - Ана, останопканим тепадан айтиб сурдиришган. Бу ерда одамлар турмасин, деган.

- Доим шу ердан кетаман. Тураман!

- Нега турар экансиз!

- Мошин пойлаб.

- Мошин пойлашга, ана останопка, деяпман-ку!

- Доим шу ерда бўлган.

Ростдан, бекат азалдан шу ерда эди, ўнгай, уч томондан - ~азира, Сталиндан келадиган, идорадан чиккан машиналар ҳам шу ердан ўтади, лекин булар идора тўғрисида одам уймалашмасин деб, тўрт юз метрча узокка сурган.

- Боринг, дедимми - боринг!

Битта ўзим бўлганимда “Ке, кўй, мендан ўтган бўлса, кечир, Саидбово учун ҳам узр, айтишадиган нарсанинг ўзи йўк-ку орамизда”, деб айтардим, факат янги бекатга бормасдим, турган гап. Лекин дўкон деразасидаги каллалар кимирламай кўйди, писта чакаётганларнинг ҳам кўзи бизда, хотиним бечора боласини махкам багрига босган, Саидбово бечора сал нарирокда кетолмай караб турибди...

- Бормасам-чи? - дедим.

Бу одамнинг бош-оёғига караб чикишдан бошка нарсани билмайди шекилли, яна шундай килди, кейин бирдан:

- Сизда буткул виждон йўк, - деб колди, худди ўша виждон кўкрагимда осилиб туриши керагу бу излаб тополмагандек.

- Кайдан билдингиз? - дедим ажабланган бўлиб.

- Кўринишингиз айтиб турибди, - деди у. - Виждон бўлса сизда, халк ишга кўмилиб ётган

бир вақтда шляпани кўнкайтириб, галстукни осилтири-иб юрармидингиз? Тагин хотинингизни эргаштириб олганингизга ўлайми! -Бунака маърузахонликнинг хавосини олган экан, менга гал бермай баландлаб кетди: - Виждони борлар хозир далада, партиямизнинг топширигини бажаряпти, давлатнинг ишини қияпти. Сизда виждон бўлса, бунака ширдинглаб юрармидингиз? Халк эртаю кеч меҳнатнинг тагида ётган пайтда оёқни хўлга тегизмай бунака олифта юриш учун виждонни ютган бўлиши керак одам...

Мелисанинг валдирашидан миямга оғрик кириб, чаккам тиришиб кетди, у мени устимдан куляпти деб ўйлаб, бирдан бошка алфозда бакириб берди:

- Кулдириб кўяман лекин! Бу ердагилар ерда ётган картишка эмас! Осмондан оёғингни осилтириб тушган бўлсанг хам... Менга деса Брежневга бормаيسانми кейин! Бор, ана, Рашидовга! Бизга ўзи шундай топширик берган: сенга ўхшаган текинхўр туниятларни қама, деб!

Бу ўртада Саидбово гир этиб ёнимизга келиб олди, бечора чол кўркиб кетган, бир мелисага ёлвориб қарайди, бир менга мўлтирайди денг.

- Йўғ-э, менга бу киши бошқача айтгандилар, - дедим, бошка гап тополмай.

- Йўғэми? Кани, дакиментти ол!

- Нима киласан? - деим бир гапдан колгим келмай.

Саидбово “Жо-он улим, ундай килманг, кўйинг!”, деб бир мелисага, “Эшонбово, сиз - катта, хўп, денг, сиздан лозим” деб менга ялинди, иш чикмагандан кейин: “Э-э, улим, мени деб бўлди, улларим!”, деб жавради.

- Ол, деяпман! - У калтқалт титраб кўлини орқага юборди. Хизмат бурчини бажараётган одамман, мен билан хазиллашма!

Х,али бу сийкабош хамманинг ўртасида тўппончасини ўқталмаса эди, деб, бир ёғи чўчидим хам, халирок берсам ўламанми шуни, галва чикмасди деб дарров гувоҳномамни узатдим.

У гувоҳномани бир очиб қаради-ю, ёпиб устидан дутор чалаётгандек читирлатиб тирнок урди-да, менга беписанд тикилди:

- Ах-ха, санъатчи! - деб захаргина илжайди. - Ўзим хам айтдим: нега бунака ширдинглаб юрибди деб. Бу галстук, шляпалар... “КПЗ”да бир санъатингизни кўрсатасиз энди...

Рости гап, анграйиб колдим, балони хам тушунмадим.

- Эндии мошин ушласак бўлди, - деди у ва худди шундай килса, дарров машина келиб қоладигандек, йўл ўртасига чикди, бир зум Сталин томонга тикилди, яна қайтиб келди, сал ноқулай бўлиб, ўзича “Хў-ўш”, деб кўйди.

Саидбово бечора хали хам “Улларим, улларим, ундай килманглар-эй! Мен бенават-ку!” деб турибди. Шунда бирдан миямга урди:

- Факат фаросатдан десам, саводдан хам уриб кетган шекилли? - дедим.

- Битта хужжатни тўғри ўқиёлмасанг!

У менга бир олайиб қаради, довдираганини билдирмасликка тиришди.

- Ўки! - дедим. - Санъатдан бошка сўзлар хам бор. “Газета редакцияси”, “мухбир” деб ёзиб кўйибди! Ким сени елкангга катта сержант деган “личка”ни ёпиштирган ўзи?

- Погонга тил текизманг, - деди у энди сал паст тушиб. - Бунинг жавобгарлиги бор.

- Сен кўлингиздагини ўқигин, кейин гаплашамиз, - дедим.

У аввал атрофга аланглаб олди-да, гувоҳномани очди, гўё у ерда жуда кўп нарса ёзилгандек бошини анча эгиб турди, кейин мендан кўзини олиб қочиб, секин хотинимга қаради, дўқон томонга аланглади, чайналиб, оғирлигини у оёғидан бунисига ташлади.

Бир зум жим колдик, у иккиланаётган эди. Саидбово илинж билан унга “Улжоним! Улим!...” деди. Мелиса бобойга караб секин: “Ота, сиз кетаверинг! Ўзимиз келишиб оламиз”, деди, Саидбово елкасини кисиб, кетолмай тураверди.

Менинг алашим босилмаган эди:

- Ким тўғри келса, обориб тикиб кўяверасанми, огайни? Балки мен давлатнинг мухим топшириги билан юргандирман, - дедим.

- Бошдан шуни айтмайсизми? Обориб тикиб кўйганимда, биласизми, сизни у ерда нима килишарди? - деди мелиса йигит енгил тортиб.

- Елканинг устида бир нарсани кўтариб юрган одам тикиб кўйишдан олдин суриштиради: ким, каерда ишлайди, деб...

- Эй-й, ака, калла коладими, дакиментингиздан факат “санъат”ини ўқибман, саводинг йўқ деб ерга урманг, - деб хуноб бўлди у. - Энди... ишимиз шуда. Бажар, деса - бажарамиз. Топширик каттик. Одамлар юрмасин кўчада, дейишган. Мана, кураяпсиз-ку одамларни, гап таъсир килмайди! Тўдалашманглар шу ерда, катталар ўтади, кўзи тушса, менга гап тегади, деб тушунтирганни тушунишмайди. Билмайман, буларни онаси кўчада тукканми! Бу ердан хайдасам - ~азирада! У ёқдан хайдасам - бу ёкка! Шундай вақтда нима бор кўчада десам, магазинга, дейишади. Магазинга бўлса, керагингни ол-да, кет! Ана каранг, туришибди, мен айтмагунча тураверишади-ей! - У шундай деб дўкон олдида тизилишганларга кичкирди: - Ў-ў, албатта мен айтишим керак-да, а сизларга? Ё кансерт бўляптими? Кани! Шапаат опа, кўтаринг тўрвангизни, мен сизга бир соатга майли деганман, боринг!

- Дўкон олдидагилар бамайлихотир ичкарига киришди, “Шапаат хола” пистахалтасини огзини ёпган бўлди, холос, лекин томоша тўхтаганига хафсалалари ўлиб, нарирокка жилдилар.

- Хозир, караб туринг, яна чикишади, гап ўтмайди буларга!

- Одамни оёғидан боглаб кўйиб бўлмайди, огайни, - дедим - энди секин баланга чикиб, билдирмай ўчимни олишга ўтдим. - Худойим уни эркин килиб яратган. Хохласа юради, ўтиради, ёнбошлайди...

- Майли, лекин шуни уйида килсин, - деб у ўзиникидан колмади. -Кўчада бало борми! Мен уларни уйига кириб текширмаяпман-ку, ахир.

- Кўча хам одамларга килинган, - дедим. - Молподага эмаски, битта чўпон кўйиб кўядиган.

- Э-э, мен кампанияни айтяпман, - деб хуноб бўлди у. - Йигирма кун чидаб беришсин - бўлди! Чўпон... нима чўпон? Канака сўкиш эшитишимни биласизми? Булар, оркадан сўқада, лекин у ёқда райком бор! Мана, кечаги бозор, кор уриб турибди. Одамлар инсофинг борми, картишка-партишка олиб олайлик, бир соатгинага оч, деб чуввос ёпишишди менга. Кор-ку, э-эрталаб бўлса, шу хавода ким хам далага чикарди, дебман. Майли, ярим соат мухлат, бозорларингни килиб олинглар, лекин хафачилик йўқ, дедим. Саидбово:

- Шундай, шундай, бозорни очиб бердингиз лекин, - деди кимтиниб. -Валлакатлик килдингиз, майли, бозор килиб олинглар, дедингиз.

Машинадан дарак йўқ, мелиса йигит кўлларини силтаб-силтаб куйиниб гапиради, дўкондагилар кайтиб чиккан, “Шапаат хола” жойида, ўсмирлар сал нарирокда, мен, икки кўл чўнтакда, гўё шу мелисанинг кўча кийимидаги каттаси, арзини тинглаяпман. Мелиса йигит бояги бакирганларига кечирим сўраган алфозда: “Хрзир, янга хозир” деди, мен “Х,а бозорни очдингиз, кейин?” дедим.



- Одамлар энди дарвозадан кириб, савдони бошлаган эди, бабиллаб кора “Волга” кепколди. Одамларга хеч нарса дегани йўк. Менга караб: "Онайни фалон сани! Санга шапка кийдирганни онасини!" деб ке-етди!..

- Ким? Раисми?

- Йў-ў. Райком! Амир ~аппорович! Бир урди, халиям бетимга тегмади, лекин шапка учиб кетди.

Боя айтишиш билан овора, факат бетига карабман шекилли, энди разм колсам, мелиса пачоккина йигит экан, бурни кўкариб, сувлаб турибди, корин жонировдан йўк, кител халта осилган, камар кийшайиб, оркага тортиб кетган, шим шалвираган, тумшуги тириш этикдан сачраган лой белгача урган...

Унга караб колдим, халидан бери кўнглимни босган бир гашлик, ўжар бир гунохкорликка ўхшаган туйгуни англагандек бўлдим, мелисани хали у Саидбовога бакирмаган, мен билан манжашмаган, умуман хали ёнимизга етиб келмаган пайти - унга кўзим тушгандаёк ёмон кўриб колган, йўк, устидаги расмий кийими милиционерлиги учун эмас, йўк, айтаяпман-ку, хали менга бакамти бўлишидан олдин деб, у хар кишлокка келганимда кора мехнат, огир кетмондан кочиб, ўкишга кирганим, битирганимдан кейин шахарда колиб кетганимга тирик таъна бўлиб кўринган, мен эса химоянинг энг яхши йўли деб хужумни танлаган эканман.

Энди унинг расмий кийимни хам эплаб кия олмагани, абарои кўнгли огриганидан огзи кўпикланганини хам сезмай хасратидан дастурхон ёйишига караб туриб, атай эрмаклаганим, “КПЗ”и хам шунчаки гапдан енгиш учун пўписа эканини, хўп, ана, олиб борган такдирда хам у ердагилар, ўз туманидан пойтахтга бориб ишлаётган мухбирини оёкости килмасликларини билиб туриб хамкишлоклар айникса хотиним олдида бир кўрсатиб кўймокчи бўлганимга, лекин, яна, барибир, гувоҳномани кўрсатишга тўгри келганига уялиб кетдим.

Бу гапларнинг бари кўнглимда мубхам бир гашлик бўлиб турган эди, мелисанинг хасрати энди уни тинитиб, тубида ётган нарсаларни очиб кўйди.

- Ишни шу одамлар килади-ку, райкомнинг ўзи лой кечиб пахта термайди! Бозорни бир соатгинага очганга шунчами?! Майли, шу одамларни деб сўкиш эшитаман, лекин, барибир, биронтаси, эй инсон, сўксанг, ўзини сўк, онасида нима айб, демагани ботиб кетади. Э-э, бечораларга нима хам дейман, хаммамиз шундай. Лекин, райком, мени тумонатнинг ичида тепкилаб, яна кандай буларни чизигингга сол, дейди? Шуни ўз кўзи билан кўриб турганлар мени уч пулга оладими? Райкомга нима, сўкди, сўкди, кейин кетди-борди! Элга рўпара бўлиб мен колдим. Нима килишим керак? Кетворай десам - иш бу, тирикчилик деган нарса бор. Хе, майли-да, биз бир кичкина одам, мелисаликни хам килиш керак, бари бир. Бетни калин килиб юрибмизда...

Гап билан ёнимизга сарик “Жигули” келиб тўхтаганини сезмабмиз. Мелиса йигит, шартта унинг эшигини очди.

- Каёкка боряпсиз? - деди.

Хайдовчи эгилиб, бизга караб жилмайди - Турсунхон экан.

- Жомбойга. Мол гаплашаман, - деди у мелисага.

- Бўлмаса, гап бундай - шу акани Перекрўскага ташлаб ўтасиз, - деди мелиса укам, - болалар билан туриб коптилар.

- Майли... майли, ўтиринг! - деди Турсунхон менга маъноли караб кўйиб.

- И-и, янга ўгилчанинг бошига бохор бўлинг, - деди мелиса машинанинг орка ўриндигига ўтираётган хотинимга.

Кейин у кўлимни махкам кисиб, синик илжайди:

- Ака, хизматчилик, хафа бўлмайсиз-да. У худди укамдек, юрагим ачишди.

- Бўлади-да шунакаси хам, биздан хам ўтди, - дедим бошка гап тополмай.

Лекин мен хали машина эшигини ёпиб улгурмай, у дўкон олдидагиларга бакирди:

- Ў-ў, неча коккан козикдай турибсизлар? Неча марта айтиш керак сизларга! Томоша тугади-ку...

Турсунхон вангиллатиб газни босгандан кейин Саидбово билан хайрлашмаганим эсга тушиб, оркага ўгирилиб, бобой, худди таъзим килаётгандек, чакмонининг энгларини кийиштириб, мелиса “ули”нинг ёнидан ўзоклашиб биз кетаётган йўлдан келаётган эди, кўлимни кўтардим, турган гап, машина ичидан кўринмайди, чол хам бошини эгиб олган, биз томонга карагани йўк.

Йўлда кетяпмиз, Турсунхон сўради:

- Нимага шу билан солишиб юрибсиз?

- Сиз каёқдан билдингиз? - деб хайрон бўлдим. - Яхши гаплашиб турганимизда келдингиз-ку.

Турсунхон йўлдан кўзини узмай кулди:

- Телефон бор-да. - Кейин менга караб изох берди. - Эргаш аканинг боласидан шу гапни эшитдим-у, тагин сизни овора килиб юрмасин, деб мошинни босдим, бўлмаса Жомбойда ишим йўк. Унинг ўзи бола ёмон эмас, Нурмат аканинг боласи-да, Яқаншихдан берирокдаги кишлоқ... оти тилимга келмаяпти, шу е...дан, танимайсиз. Кишлоқдан чикиб кетгансиз-да, бизла...ни зўрга танийсиз-у Ха, рост-да, бир хил вакти салом берсак - кўрмайсиз

- Жа гапни опкочасиз-да лекин, - дедим-у, бари бир, хижолатда эдим.

Машинанинг ичи иссиқкина эди. “Шу Турсунхон жуда окибатли йигит-да”, деб ўйладим. Кишлоқдан чикиб кетаётган эдим.